

ХИВА РУС БОСКИНИ АРАФАСИДА


*Наврззов Сапарбой, Маъмун университети “Тарих”
кафедраси доценти, тарих фанлари номзоди*

XIVA ON THE EVE OF THE RUSSIAN INVASION

*Navruzov Saparboy, associate professor of the Department of
History of Ma'mun University, candidate of historical sciences*

ХИВА НАКАНУНЕ РУССКОГО ВТОРЖЕНИЯ

*Наврззов Сапарбой, доцент кафедры истории
университета Маъмуна, кандидат исторических наук*



e-mail:

saporboynavruzov@gmail.com

<https://orcid.org/0009-0000-8977-6777>

Аннотация: Мақолада подшо Россиясининг Ўрта Осиёни истило қилиш жараёни, истилочилик стратегияси ва маҳаллий хонликлардаги сиёсий ва иқтисодий вазият ҳақида фикр юритилади. Россия империяси ўзининг босқинчилик ниятларини ниҳоятда уддабуронлик билан амалга оширди. Даставвал Тошкент 1865 йилда босиб олинди. Кейинчалик Туркистон генерал губернаторлиги ташиқ қилинган, хонликларнинг ички зиддиятларидан фойдаланиб, уларни яккама-якка қўлга киритди [1-ЎЗМА, 89 бет].

Калим сўзлар: икки монархия, подшо Россияси, Ўрта Осиё хонликлари, Англия-Россия тўқнашувлари, генерал фон Кауфман, Амир Музаффар, ҳарбий стратегик пункт, Чимбой қалъаси.

Abstract: The article discusses the process of conquest of Central Asia by Tsarist Russia, the conquest strategy, and the political and economic situation in the local khanates. The Russian Empire carried out its conquest intentions with extreme impudence. First, Tashkent was occupied in 1865. Later, when the Governor General of Turkestan was established, he took advantage of the internal conflicts of the Khanates and won them one by one.

Key words: two monarchies, tsarist Russia, Central Asian khanates, Anglo-Russian conflicts, General von Kaufman, Amir Muzaffar, military strategic point, Chimboy fortress.

Аннотация: В статье обсуждаются процессы вторжения Российской империи в Центральную Азию, стратегии, колонизации и политическая и экономическая ситуация в местных ханствах. Российская империя с большой хитростью осуществила свои зловецкие захватнические намерения. Сначала она захватила Ташкент в 1865 году. Позже, создав Туркестанское генерал-губернаторство, она использовала внутренние противоречия ханств для достижения своих целей поочередно.

Ключевые слова: две монархии, царская Россия, Англо-российское соперничество, генерал фон Кауфман, Эмир Бухары Музаффар, военно-стратегический пункт, городище Чимбой.

КИРИШ. XIX аср Европа дунёсининг йирик, кудратли давлатлари уюштирган истилочилик урушлари Турон замида ҳам халқлар ҳаётида саросималилик туғдирди. Ўрта Осиёдаги сулолавий-феодал монархиясидаги Хива, Бухоро ва Қўқон хонликларида, подшо Россиясининг истилочилик хавфи юзага келди. Бу даврга келиб, Россиянинг ҳарбий аристократияси вакиллари ва империя ҳарбий комплекси шарқшунослик фани эришган ютуқлардан Турон замидаги Ўрта Осиё ҳарбий экспансиясида салтанат манфаатлари йўлида уддабуронлик билан фойдаланишди. Шу нуқтаи назардан Ўрта Осиёнинг табиати, ресурслари ва хонликлардаги ижтимоий, сиёсий ҳаёт ва маданий жараёнларга тадқиқотчилар эътибори қаратилганди.

Шарқшунос В.В. Бартольд “шарқ оламининг ажралмас қисми бўлган Ўрта Осиё ва хонликлар тарихи нисбатан кам тадқиқ қилинган”лигини таъкидлар экан, албатта бундай ҳол “тарихий манбаларнинг камлиги эмас, балки ўша давр тадқиқотчиларининг бу илмий муаммога бефарқлиги” [2-333], деб ёзган эди. Профессор Н.И.Веселовскийнинг адолатли тарзда изҳор қилишича “тадқиқот жараёнида фақатгина рус манбаларидан фойдаланиб қолсак, биз осонгина бир томонлиқда ҳамда маҳаллий аҳоли назарида ноҳақ бўлиб, ўша замон қарашларидан четда қоламиз” [3-333-334] деб уқтирганди.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ. Ўрта Осиёнинг XIX асрдаги сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёти шарқшуносликда рус ҳамда ғарбий Европа олимлари томонидан тадқиқ қилинган. Лекин, Ўрта Осиё хонликларидаги аҳволни чуқурроқ ўрганиш лозимлигини кундалик ҳаёт аниқ ва равшан кўрсатганди. Шуни таъкидлаш зарур, рус фанининг атоқли намояндалари ҳам шу даврда хонликлар тарихини ҳужжатлар асосида ўрганиш ғоясидан анча узоқ эдилар. Профессор В.Иванов томонидан Хива давлат архивининг топилиши ва унинг илмий тадқиқотчиликка киритилиши академик В.В.Бартольд ва профессор Н.Веселовскийларнинг хонликка доир илмий ғояларини ойдинлаштирганди.

МУҲОКАМА ВА МУНОЗАРА.

Маълумки, 1873 йил Хива босқинига қарашлар жамоатчилик ва даврий матбуот назарида бўларкан, ҳар доим илмий қизиқиш билан қаралгани табиий. Файласуф назарида: “Дунёнинг бир қисмида икки давлат, иккита монархия ёнма-ён яшаб, аҳён-аҳёнда бир-бирига қизиқсиниб, ҳар доим ҳам қўшни сифатида географик ва сиёсий жиҳатдан яқинликларининг аҳамиятини ҳис қила олмас, лекин бир-бири билан кам қизиқиши бежиз эди”[4-5]. XIX аср ўрталарида Ўрта Осиёдаги Бухоро, Хива ва Қўқон хонликларида ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий муносабатларда инқирозли жараёнлар кучая борди.

XIX аср II ярми халқаро муносабатлар тарихида йирик давлатлар орасида дунёни бўлиб олиш ва мустамлака қилинган ҳудудларни қайта тақсимлаш учун кураш қизиган давр бўлди. Бу давлатлар орасида иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий стратегик зўравонлик учун кураш кескинлашди. Ўрта Осиёдаги Хива, Бухоро ва Қўқон хонликларида мустамлакачи Англия томонидан босқинчилик хавфи кучая борди.

Подшо Россияси томонидан Ўрта Осиёнинг ва унга тобе бўлган Жанубий Қозоғистон ерларининг истило қилиниши Россия империяси учун нафақат янги мулклар, балки савдо-иқтисодий соҳада бу ҳудуднинг геополитик муносабатларидаги ўрни ва аҳамиятини ҳам ифодаларди. Рус қўшинлари XIX асрнинг 70-90 йилларида Ўрта Осиёга чуқур кириб Каспий орти вилоятини истило қилгач Англия ва Россия давлатларининг манфаатлари бу ҳудудда қатъийроқ тўқнашганди.

НАТИЖАЛАР. Шундай қилиб, Россия ва Буюк Британия империяларининг Ўрта Осиё учун 40 йил давомидаги кураши, ниҳоят иккаласи ўртасида келишувга олиб келди. Тўғрироғи, бунда бу ҳудуддаги истикомат қилувчи аҳолининг миллий манфаатлари ҳисобга олинмаганди[5-32]. Шундай қилиб XIX асрнинг ўрталаридаёқ жаҳоннинг Буюк Британия ва Россия каби йирик империалистик давлатларининг геополитик сиёсати туфайли Хива, Бухоро ва Қўқон хонликларининг мустамлака ҳолатига тушиш ҳоллари ойдинлаша борди.

Подшо Россиясининг Қозоғистон ҳамда Ўрта Осиёга кириб бориши хонликларга катта хавф туғдирарди. Шу боис Хивада ҳам бу хавфнинг олдини олиш учун мудофаа чоралари кўрилди.

Рус истилочиларининг Тошкент ва Бухорони қўлга киритишлари Хива учун жиддий хавф-хатарга айланди. Хонлик пойтахти Мовароуннаҳрдан келган “қочқи”лар учун, гўё химоя маскани эди. Хивадан химоя излаб келганлардан бири, қозоқ овули оқсоқоли Сиддиқ Тўра эди. У 1869 йил 10 январь жума куни Хивага кириб келди. Сиддиқ Тўранинг отаси Кенессари хон Руслар билан Тошкент ва Туркистон учун жангларда ўлдирилган эди [6-65]. Мардона курашган қозоқ халқининг оташин фарзанди Сиддиқ Тўра, Бухоро амири хизматига кирди. Амир Музаффар кўшинида босқинчи “кофир” руслар билан бўлган жангларда жасорат кўргазса ҳам, кучларнинг тенг эмаслиги туфайли Бухорони ташлаб кетишга мажбур бўлди. Эндиги манзил Хива хонлиги эди. Шундай қилиб, Сиддиқ Тўра ўзининг 60 нафар отлиқлари билан Қизилқум чўллари кечиб, хонликка кириб келди.

Хива ҳукмдори ботир Сиддиқ Тўрани хурмату-иззат билан кутиб олди. Меҳмон ва шериклари Янги Урганч яқинидаги Уйғурлар элатида жойлаштирилди [7-405]. Ер майдонлари ажратилиб, деҳқончилик қилиб, уй хўжалик ишлари билан машғул бўлдилар. Дарҳақиқат, Хива “кофирлар” аталмиш рус босқинчилардан қочганлар учун макон, “иссиққина меҳмонхона”га айланганди. Фикримизнинг исботи сифатида қуйидаги маълумот: “Ўша ходисадан роппа-роса тўққиз кун ўтгач, якшанбада, 19 январь куни Хивага қозоқларнинг яна бир сардори Арслон тўра аталмиш Хотимбек келиб қолди.

Арслон тўра ёшлигидан руслар хизматига кирган бўлиб, ўзаро келишмовчилик юз бергач, улардан кўнгли тўлмай Хивага йўл олганди. Унга ҳукмдор илтифоти билан ер ажратилиб, мўмай мулк саховат қилинган, ўлтиримли бўлиб яшаб қолди. Хивага Сирдарёнинг шимолий қирғоғида россиялик ҳарбийлар Казалинскда кўрғон қуриб битказилганлиги ҳақида хабар келди. Ҳарбий кўрғон бежиз қурилмаганди. Бунга асос дарёнинг жануб қисмида ўрнашган қозоқлар, хонликка закот ва хирож тўлаганлиги боис, ёзда қисман

деҳқончилик билан шуғулланиб, бошқа мавсумда хонлик сарҳадларида ўз чорвасини етаклашарди. Янги кўрғон хабари, хонликда ҳукуматни, сўзсиз ташвишга солган эди. Айнан ушбу ҳодиса туфайли хон буйруғи билан Муҳаммад Мурод девонбеги етакчилигида маҳрам Муҳаммад Ёқуб, Абдурахмон сарҳанг ва шамҳалчилар бошлиғидан иборат ҳукумат гуруҳи, Товқора масканига юборилди” [8-175-176]. Бу гуруҳнинг вазифаси жойларда руслар томон чегара худудларида кўпоровчилик ёки бошқа салбий ҳолатлар юз беришига йўл қўймаслик, унинг олдини олиш вазифалари юкланди.

Ҳукумат гуруҳи қозоқлар ўраида 1869 йилнинг 1 февраль куни қипчоқлар етакчиси Эрнийез бийга Сирдарё бўйларидаги ҳамда Казалинск атрофидаги аҳолини 15 кун муддатда кўчиришга муҳлат берди [9-304]. Товқорага кўчирилган аҳолига хонлик томонидан ер ажратилиб, чорвасининг қишлови ва ёз мавсумини ўтказишларига имконият берилди. Шундай қилиб, ҳукумат гуруҳи аъзолари Чимбой қалъасига қорақалпоқлар улусига келди. Амударёнинг Оролга қуйиладиган жойида Оққалъа кўрғони қуриб битказилди. Ҳарбий стратегик пункт ҳисобланган бу қалъада бир неча тўплар жойлаштирилиб, Абдурахмон сарҳанг бу ҳарбий қурилмага бошлиқ қилиб тайинланди. Мабодо руслар ҳаракати сезилиб қолса, айнан шу кўрғон химоя пункти сифатида масъул эди.

Хива хони қўйган вазифаларни амалга оширган Матмурод девонбеги пойтахтга 22 март шанба куни етиб келди. Муҳаммад Ёқуб маҳрам эса, ҳукмдор топширган суғориш билан боғлиқ вазифаларни бажариш учун яна бир неча кун қолиб кетди. Шу кунларда бўлиб ўтган ёвмутлар ғалаёни оқибатида, Лавзан каналининг қирғоқлари ўпирилиб, Кўхна Урганч ерларига сув оқмасдан қолган жойлари эса қайтадан тикланди. Лавзаннинг қирғоқ бўйи аҳолиси Хўжайли атрофларига жойлаштирилди. Ниҳоят, ҳукуматнинг махсус гуруҳи, хонлик учун ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий аҳамият касб этувчи вазифаларни қисқа фурсатда амалга ошира олди. Давлат аҳамиятидаги юмушларни қисқа фурсатда бажарганлиги учун Муҳаммад Мурод девонбеги, Муҳаммад Ёқуб маҳрам ва бошқалар мамлакат ҳукмдорининг сийлов ва мукофотларига сазовор бўлишди.

Хонликнинг шимолий худудларида кўшни давлат ичидаги ҳамда Туркистоннинг генерал губернатори сиёсатидан кўчманчи чорвадор ҳам ўтроқ аҳоли ҳам саросимага тушганди. Юзага келган саросималик ва хавф-хатар туфайли қозоқ уруғ оқсоқоллари, Хивадан мадад кутаркан чорвадор кўшнilar учун “тўё Хива дарвозалари ланг очикдек” эди. Манбаларда кўрсатилганидек, 1869 йил март ойи наврўз арафасида Курбон ҳайити байрам тадбирлари бошланди. Айни шу кунларда элдошлари учун мадад тилаб икки нафар қозоқ баҳодир Азизберган ва Жонибекбийлар хон саройига ташриф буюришди”[10-401]. Хива хони элчиларнинг арз-додларини эшитгач, уларга дарҳол мадад кучлар берилди. Бир муддат дам олгач, оталиқ бошчилигида 27 март куни элчилар Хива ҳарбий сарбозлари билан Қўнғирот томон йўлга отланишди. Бир неча кун давомида отликлар йўл босиб, Орол денгизи ғарб томонидаги кўчманчи қозоқлар яшайдиган овулга кириб келишди. Хонликдан ҳарбий кучлар келганлиги хабари деярли шу ўрамдаги аҳолига қувонч келтирганди. Маҳаллий аҳолининг ҳар бири шоду-қувончидан Хива сарбозларини ейимлик, ичимликлар билан меҳмон қилишди.

Хива навкарларига маҳаллий аҳолининг “ҳар бир кишиси подшо Россияси агар ҳарбий таҳдид қилса, Хива тарафида бўлиб жанг қилишини” билдиришди. Бу оломон йиғинида ҳатто чўлда ушлаб олинган 3-4 нафар рус савдогарини ҳам душман асири сифатида кўрсатилди. Оломон йиғинида ҳар иккала томондан музокаралар бўлиб, қозоқ бийлари ҳамда хивалик саркардалар ўртасида шартнома тузилиб, душманга қарши курашиш мақсад қилинганди. Шундай саросималик давом қилаётган кунларда, манбалар гувоҳлигича “18 сентябрь пайшанба куни, Хивага афғон шаҳзодаси Абдураҳмон хон ташриф буюрди. Афғон шаҳзодаси жасур ва ниҳоятда абжир жангчи. Хива хони Сайид Муҳаммад Раҳим Баҳодирхон меҳмонга юксак эътибор ва иззат кўрсатди. Унга ажратилган кўнимгоҳ ўзи кутганидан ҳам анча афзал эди. Афғонистонлик меҳмон ўзининг 20 кунлик сафаридан кейин хон ҳазратларининг ижозати билан Бухорога йўлга чиқди.

Хива ҳукмдори шаҳзодага оғзида сувлиги тиллодан ясалган ва қиммат баҳо тошлар билан безалган эгар-жабдукли от, “бўйи тоғу туяга баробар, қуввати мисли фил сингари” ҳачир, тилло ва кумушдан безалган кийим-кечаклар совға қилди. Дарҳақиқат, Хива саройида 1870 йилнинг қаҳратон киши 21 январь куни чоршанбада Бухоролик меҳмон қабул қилинди [11-407]. Элчи келтирган хабар амир Музаффарнинг Ҳисор ва Қўлоб вилоятларини тобе қилганлиги ҳақида эди. Бу урушда иккала томондан ҳам мусулмонлар қирилганди. Совук уруш хабарига Хива ҳукмдори бефарқ эмасди. Манбалардан маълум бўлишича, 1870 йил баҳори саройга янги бир хабар келди. Унда рус кўшинлари билан қозоқларнинг тўқнашуви айтилганди. Адай уруғи қозоқлари ғалабаси кўрсатилганди. Шундай қилиб Хивага қозоқ уруғлари турли ўрдаларидан келиб турган совук уруш хабарлари, маҳаллий аҳоли орасида саросималикни кучайтира борди.

Манбаларда кўрсатилишича, айни шу даврда Хива ва Бухоро ўртасида ўзаро элчилик қизгин тарзда давом этиб, деярли ўн йиллар давомида бу алоқалар узилиб қолмасдан, кетма-кет борди-келди қилинган. Манбаларда кўрсатилишича Руслар томонидан тор-мор қилинган амир кўшинларининг қолган қисми Карманада узоқ вақт туриб қолди. Қайтадан кўшин тўплаган амир Музаффар 1868 йилда Самарқандга кириб борди. Рус кўшинлари эса, бу вақтда Ўратепа, Жиззах қалъаларини қўлга киритиб, Самарқанддан 6 фарсах масофадаги Янги Қўрғон қалъасида жойлашиб олгандилар.

Самарқанд ва Янгиқўрғон оралиғида ҳар иккала кўшин томонидан қонли жанглар бўлиб ўтди[12-410]. Афеуски, амир кўшинлари замонавий қуроолланган рус кўшини зарбаларига чидам беролмасдан, 1868 йил 2 май куни тор-мор қилинди. Шиддатли бу жанглардан кейин рус кўшинлари Самарқанд ва Каттақўрғонни қўлга киритишди. Амир душман ҳалокатидан омон қолишнинг йўлини тополмагач, душман билан шартнома тузишга интилиб, Кауфман олдига элчи юборди. Русларга 12000 тилло тўлаш мажбурияти билан 13 июнь куни шартнома тузилди. Шартномага биноан, руслар Бухорога савдо қилиш учун келишлари мумкин эди. Бухороликлар учун бундай мағлубиятни ва унинг оқибатларини кутмаган шаҳзода

Абдулмалик Тўра Ғузор ва бошқа жойлардан кўшин тўплаб, Шахрисабз ҳокими билан бирлашиб, Самарқандга юриб, генерал фон Кауфман устига кўшин тортиб келди. Лекин, шахзоданинг ҳаракатлари муваффақиятсиз чиқиб, орқага қайтди. Бухоро шаҳри ва унинг атрофларида дин пешволари, руҳоний уламолар, хўжа-шайх ҳамда мадраса талабаларидан иборат 3000 кишидан зиёд аҳоли тўпланиб, аввало амир томонидан тузилган яширин шартноманинг моҳиятини муҳокама қилиб, аҳолини шариат, дин ва эътиқодни ҳимоя қилишга чақирдилар [13-412]. Йиғилган оломон Карманага тўпланиб, Бухоро амирига мурожаат қиларкан “Кофирларга қарши юришга бошчилик қил! Биз сен билан, сен билан курашга кирар эканмиз, ўлимдан қўрқмаймиз! Бизга от бер, кўшинингдан ёрдам бер! Кўз олдингда кофирларга қарши курашайлик. Майли, кейин кўнглинг тусаган ишни қил! Майли дам ол! Шодлан, қувон! Бу гапларни эшитган амир жаҳл отига минди. Бундай манзарадан жаҳли чиққан амир, ўз фуқароларини, мулла ва муллаваччаларни қирғин қилгиси келди. Лекин жаҳлидан тушгач, ўзини тутаркан, уларнинг кўнгилиларидаги истакларига бефарқ эмаслигини, оллоҳ мадади билан босқинчиларни гумдон қилишга тайёр эканлигини билдирди.

Мулло ва уламолар, авом халқ, амир сўзларига покқа тушдилар, ишониб қолдилар. Шу лаҳзада Самарқанд ҳокимини имо қилиб чақириб, ёнгинасида пинҳона турган рус кўшинлари бошлиғига ишора қилгач, “Қириб ташланг” деб буйруқ берди. Рус кўшинлари дарҳол тўплар ва милтиқлардан ўт очиб, тинч авом оломонни бир пасда қирғин қилди. Омон қолган муллаваччалар турли томонга қочиб кетишди. Амир Музаффар бу қонли фожеадан сўнг шартномада белгиланган тилло-олтинларни генерал Кауфман ҳузурига соқчилар ҳамроҳлигида бериб юборди. Бўлиб ўтган нохуш воқеалардан кейин, ўғли Абдулмаликка хат билан мурожаат қиларкан, ҳаргиз руслар билан душманликка бормасликка чақирди. Лекин, амир Музаффар мактубини олган шахзода Абдулмалик Бухоро амирининг қилмишини мамлакат учун қилинган сотқинлик сифатида баҳолаб, Ғузорликлар билан муҳокама қилганди.

Йиғилган оломон бу тадбирни қоралаб, шикоят билдиришди. Улар шариатни, муқаддас

Бухорони ҳимоя қилажакларини, охириги қон томчилари қолгунча курашишга қасамёд қилдилар. Йиғин аҳли шунга келишдики, аввало пойтахт Бухорони эгаллаб амирни тахтдан туширгач, Абдулмаликни амирлик тахтига ўтказиш масаласи маъқулланди. Воқеалар ривожидида Абдулмалик Тўра буйруғи билан Ғузор масканидан то Бухорогача вилоятларда кўшин тўпланиб, Бухорога йўл олган шахзодани деярлик кўпчилик қувватлаганди. Вазиятнинг бундай кечишини кутмаган Амир Музаффар дарҳол, руслардан ёрдам сўраркан, тиш-тирноғи билан қуролланган рус подшосининг аскарлари ҳозирю-нозир бўлишди.

Катта ҳарбий кучга қаршилик кўрсата олмаган шахзода Абдулмалик кучлари Қарши шаҳридан чиқиб, Шахрисабз томонга чекинишди. Ғолиб томон вакиллари Шахрисабзликлардан шахзодани ушлаб келтиришни талаб қилди. Жангда мағлуб бўлган Абдулмалик икки ўртада саросимада қолганди. Бухоронинг Хива саройи билан сиёсий, иқтисодий муносабатлари мавжудлигига орқа солган шахзода, ўзининг 400 нафар отлиқлари билан Хатирчи йўли орқали Бухорони тарк этди. Абдулмалик тўра ва унинг сарбозларини Хивада Матниёз девонбеги, оталиқ Муҳаммад Ризолар 1868 йилнинг 22 декабрида рамазоннинг 20-куни кутиб олишди [14-414]. Хивада бухоролик меҳмонлар учун Ҳасан Мурод Қушбегининг Янгиариқдаги ҳовлисида кўнимгоҳ ажратилди.

Саройда қабул маросими эътиборли, самимий тарзда ўтдики, воқеа кузатувчи назарида “ҳеч бир ўғил ўз отасидан шундай даражадаги эътибор ва кадрни” кўрмаганди. Хива хазинасидан “шахзодага харажат ва чиқимлар учун, ҳар ойига 1500 тилло пул, шериклари учун кийим-кечак ва 500 тилло ажратилди”. Сайид Муҳаммад Раҳимхон билан Абдулмалик тўра ўртасидаги муносабатларда кейинчалик “совуқлик” юзага келди [15-306]. Хива ҳукмдори Бухорода юз берган воқеалардан хабар топгач, шахзодани шум ниятидан қайтаришга қанча уринмасин, шаштидан кайтара олмади. Ҳатто кечирим сўраб, шахзода Бухорога бориш ёки Хивада қолишга рози бўлса, мулк олиши, яшаш учун шароит мавжудлигини эслатганда ҳам кўнмасдан, туркман такалари ёки эрсарилар юртига кетишга ийжозат сўради. Ҳар қанча уриниб шахзодага таъсир қилаолмаган

Хива хони шаҳзодани ўзи истаганча, эркин қолишга мойиллик билдирди. Ниҳоят Абдул Малик тўранинг сарбозларидан катта бир гуруҳи Хивада хон хизматида қолди. Шаҳзода эса, бир гуруҳ навкарлари билан Марв такалари сари йўл олди [16-307]. Айни дамда подшо Россияси истилочиларининг Тошкент ва Бухорони қўлга киритишлари Хива хонлиги учун катта хавф туғдирганди. Бундай хавф деярли, ҳар онда сезиларди.

ХУЛОСА. Шундай қилиб, Хива хонлиги айниқса пойтахт Хива, Мовароуннаҳру Туркистон томондан келган қочқинлар учун химоя масканига айланаёзганди. Саройда эл-юртни бу мудҳиш хавфдан асраш чоратадбирлари қўрила бошланди. Айни пайтда Ҳиндистонда инглизлар қўнжидан паноҳ топиш ғояси юрт ҳукмдори Сайид Муҳаммад Раҳим II Баҳодирхон дили зикрини эгалларди. Бахтга қарши, инглизлар ҳомийлиги фикри ҳам амалга ошмади [17-1872 №50]. Хиванинг Ҳиндистондаги Англия вице-қироли Норсбрук ҳузурига юборган элчилиги [18-18/1873] омадсиз чиқди. Англия ва Россия матбуотида Хиванинг яширин миссияси хабари эълон қилинганидек хонликнинг Хонқа беклиги ҳокими Аминбой ҳожи Ёқуббек ўғли бошчилигидаги элчилик [19-№28, №32] Калькутта шаҳрида Лорд Норсбрук билан ўтказилган музокараларда деярли ҳеч қандай натижага эришмасдан 18 ой давом этган элчилик сафаридан 1872 йил май ойида қайтиб келишди [20-28-35].

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Миллий архиви 715-фонд 1 рўйхат. 55-дафтар.
2. Бартольд В.В. События перед Хивинским походом 1873 года по рассказу Хивинского историка. соч, том 2, часть 2, М.1963. –С 403.
3. Веселовский Н. Туземец о русском завоеваний. Бартольд В.В. указ соч, с 333-334.
4. Икрамов Камил. Караваны уходят. Ташкент 1976, -С.5.

5. Динашева Лазат Сарсенбаевна доцент, МКТУ имени Х.А.Ясави. UNIVERCUM: СОМ общественные науки. Из истории соперничества России и Англии за Среднюю Азию (конец XIX начала XX века). 1994.

6. Терентьев М.А. История завоевания Средней Азии. Т, 2 М. 1906. –С 65.

7. Бартольд В.В. События перед Хивинским походом 1873 года по рассказу Хивинского историка. Соч. том 2, часть 2, М.1963. –С. 405 .

8. Огаҳий. Шоҳиди Иқбол. Тошкент. 1976. 175-176-бетлари.

9. Огаҳий. Гулшани давлат. Тошкент, 2020, 304-бет.

10. Терентьев М.А. История завоевания Средней Азии. М., 1906. Т.2 401-бет.

11. Бартольд В.В. События перед Хивинским походом 1873 года по рассказу Хивинского историка. соч, том 2, часть 2, М.1963. С. 407.

12. Бартольд В.В. События перед Хивинским походом 1873 года по рассказу Хивинского историка. Соч, том 2, часть 2, М.1963. 410-411-бетлар.

13. Бартольд В.В. События перед Хивинским походом 1873 года по рассказу Хивинского историка. Соч, том 2, часть 2, М.1963. 412-413-бетлар.

14. Бартольд В.В. События перед Хивинским походом 1873 года по рассказу Хивинского историка. Соч, том 2, часть 2, М.1963. 414-415-бетлар.

15. Огаҳий. Гулшани давлат. Тошкент. 2020, 306-бет.

16. Огаҳий. Гулшани давлат. Тошкент. 2020, 307-бет.

17. Хивинский посланник в Калькутте. //Туркестанские ведомости. 1872. № 50.

18. //Голос. 18 (30) января. 1873 года.

19. Александр Кун. Рассказ хакима Аминбая. //Туркестанские ведомости 1873 № 28, № 32.

20. Наврузов С. Хонқа ҳокими Аминбой ҳожи Муҳаммад ўғлининг Ҳиндистонга 1871-1872 йилларда элчилик сафари. Хоразм Маъмур академияси ахборотномаси. 2024, 1/3, 28-35-бетлари.

